

“АН-БОЁВУТ-2” ҒЎЗА НАВИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРИХИ**Хомутбек Ашурбеков**

“АН-Боёвут-2” ғўза нави муаллифи, биология фанлари номзоди

Собир Одиллов

“АН-Боёвут-2” ғўза нави муаллифи, биология фанлари номзоди, нафақахўр

Розмат Хомутбекович Ашурбеков

техника фанлари номзоди, доцент, нафақахўр

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7422487>

Аннотация. Ушбу мақола ғўзанинг *G. hirsutum L.* турига мансуб ўрта толали эрта пишир ва вилт касаллигига чидамли “АН-Боёвут-2” навининг яратилиши тарихини ёритишига бағишланган. Нав, унинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ва пахта хом-ашёси етиштириши соҳасидаги ўрни кўриб чиқилган. Навнинг яратилишида қўлланилган асосий методлар ва унинг муаллифлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: ғўза нави, нав яратиши, “АН-Боёвут-2”, нав муаллифлари, экин майдони, солиштирма катталиклар, пахта етиштириши соҳаси.

ИСТОРИЯ ВЫВЕДЕНИЯ СОРТА ХЛОПЧАТНИКА “АН-БАЯУТ-2”

Аннотация. Статья посвящена освещению истории выведения средневолокнистого сорта хлопчатника “АН-Баяут-2”, который относится к виду *G. hirsutum L.* Рассмотрены место этого сорта в экономике Узбекистана и отрасли производства хлопка-сырца. Описаны методы, которые были использованы при выведении этого сорта хлопчатника и изложены сведения о его авторах.

Ключевые слова: сорт хлопчатника, выведение сорта, “АН-Баяут-2”, авторы сорта, посевная площадь, сравнительные величины, отрасль производства хлопка- сырца.

A HISTORY OF CREATION OF COTTON VARIETY “AN-BAYAUT-2”

Abstract. The article is devoted to describe the history of creation of the medium-fiber cotton variety “AN-Bayaut-2”, which belongs to the type *G. hirsutum L.* A place of this variety of cotton in the economy of Uzbekistan and the industry of raw cotton production is considered. Information about the methods that were used to create this cotton variety and its authors is provided.

Keywords: cotton variety, breeding of cotton variety, “AN-Bayaut-2”, authors of the cotton variety, sown area, comparative values, raw cotton production industry.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётига, қишлоқ хўжалигига ва пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш соҳасига сезиларли ҳисса қўшган ғўза навлари, бу навларнинг характеристикалари, навнинг яратилиши тарихи, уни яратиш жараёнларида қўлланилган илмий-амалий услублар, навни яратиш жараёнларида иштирок этиб, нав яратилишига илмий ҳисса қўшган муаллифлар ва уларнинг илмий ишлари ҳақидаги илмий ва таҳлилий мақола ва материаллар генетика, селекция, уруғчилик ва турдош соҳаларда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари, фермерлар, мутахассислар, ушбу йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича илмий иш олиб бораётган докторант ва магистрантлар, таълим олаётган талабаларнинг фаолиятларини мукаммаллаштириш учун фойдалидир. Бундай мақола ва материаллар мос

ўқув дарсликлари материалларини узлуксиз ёки даврий равишда янгилаб, ривожлантириб бориш имкониятларини бойитади.

“АН-Боёвут-2” ғўза нави ҳақида қисқа маълумот

Ўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб ўрта толали “АН-Боёвут-2” нави Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида яратилган. Нав тезпишар бўлиб, ўсув даври ўртача 120-125 кунни ташкил этади. “АН-Боёвут-2” нави экинларни синаш Давлат Ҳайъатининг 1983 йил 31 март куни қарори билан Сирдарё вилоятига минтақалаштирилган ва шу йилдан давлат реестрига киритилган. Нав Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг асосий пахта майдонларида, Навоий вилоятининг Навбахор, Тошкент вилоятининг Бекобод, Тожикистоннинг Зафаробод туманида кўп йиллар давомида 200 - 250 минг гектар ерда экилган [1-3].

“АН-Боёвут-2” навининг морфологик, биологик ва муҳим хўжалик белгилари, толанинг технологик сифати, вертицеллёз вилтга қарши чидамлилиги, ишлаб чиқариш шароитидаги самарадорлиги бўйича маълумотлар тафсилотлари билан [2] да келтирилган. Бу ғўза навини етиштиришда қўлланилиши тавсия этилган агротехнологиялар эса [2, 3] ларда ёритилган.

“АН-Боёвут-2” ғўза навининг асосий характеристикалари ва нав ҳақидаги бошқа маълумотлар [1-5] ларда турли даражада ёритилган.

Навнинг қишлоқ хўжалиги ва пахта етиштириш соҳасидаги ўрни

“АН-Боёвут-2” мамлакатимизда ва қўшни мамлакатларда энг узоқ муддат давомида экиб келинаётган ғўза навидир. Бу ғўза навининг яратилиш тарихи 1968 йилда бошланган бўлиб, у 1975 йилда нав сифатида шаклланган. “АН-Боёвут-2” Давлат нав синаш Ҳайъати томонидан районлаштирилган муддатга қадар, яъни 1975 йилдан то 1983 йилгача кичик экин майдонларига экилган, 1983 йилдан то 2022 йиллар давомида эса катта экин майдонларига экиб келинмоқда.

“АН-Боёвут-2” нави бошқа мамлакатлар ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва пахта етиштириш соҳасидаги турли мақсадларда олиб борилган илмий ишларда кўп йиллар давомида кенг қўлланилиб келинади. Энг кенг қўлланиладиган www.google.com қидирув дастурига ўзбек тилида *АН-Боёвут-2* сўзи киритилганида 0,33 секундда 6470 та, рус тилида *хлопчатник АН-Баяут-2* сўзлар бирикмаси киритилганида 0,40 секундда 3110 та манбага, инглиз тилида *AN-Bayaut-2 cotton variety* сўзлар бирикмаси киритилганида эса 0,41 секундда 7920 та манбага ҳавола қилинганлиги бунга бир далилдир.

“АН-Боёвут-2” ғўза навининг мамлакатимизнинг иқтисодиётидаги, қишлоқ хўжалиги ва пахта етиштириш соҳасидаги роли ва ўрнини ёки қўшган ҳиссасини [2,5] адабиётда келтирилган “АН-Боёвут-2” ғўза навининг 1981-1995 йиллар давомидаги экин майдони, бу ғўза навидан 1991-1995 йилларда тайёрланган пахта, “АН-Боёвут-2” ғўза навининг ҳар йили қайта ишланган пахтасидан олинган тола чиқиши натижалари ҳақидаги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-2016, 2018 йиллар учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993, 1995-2005, 2019-2021 йиллар учун ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги қарорларида “АН-Боёвут-2” ғўза навини жойлаштириш майдони ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб қуйидагича хулосага келинган [5]: 1981-2021 йилларни ўз

ичига олган 40 йилдан ортиқ давр учун “АН-Боёвут-2” ғўза нави экилган майдон 4827953 гектарни ташкил қилади. Бу майдонни 1995-2000 йилларда мамлакатимизда 1 йилда пахта етиштириш учун ғўза навлари экилган майдон билан солиштирсак, натижа тахминан 3,2 га тенг эканлиги келиб чиқади. Агар бу майдонни 2019-2021 йилларда мамлакатимизда 1 йилда пахта етиштириш учун ғўза навлари экилаётган майдон билан солиштирсак, натижа тахминан 4,67 га тенг эканлиги келиб чиқади. Бу кўрсаткичларни бошқача сўзлар билан ифодалаганда, “АН-Боёвут-2” ғўза навидан деярли 40 йилдан ортиқ давр мобайнида йиғиб олинган пахта ҳосили Республикаимизда 1995-2000 йиллар даврининг тахминан 3,2 йили давомида, 2019-2021 йиллар даврида эса тахминан 4,67 йил давомида йиғиб олинган пахта ҳосили ҳажми билан солиштирса бшладиган катталикларга тенг.

Навнинг яратилиши тарихи

Навга бўлган эҳтиёжнинг юзага келиши. 20 асрнинг 60- ва 70- йилларида пахта хом ашёсининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳосилдорлиги юқори бўлган ва касалликларга чидамли бўлган ғўза навларини тадбиқ қилиш, ғўзаларни алмашлаб экишни ўзлаштириш, ғўза экин майдонларини янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига кенгайтириш йўлларини қўллаш орқали амалга оширилган эди [6, 3-бет]. Ўша йилларда пахтачиликда эришилган муваффақиятларда генетика, селекция ва уруғчилик соҳаларида олиб борилган илмий ишлар катта роль ўйнади [6, 4-бет]. 3-5 ва ундан кўпроқ генерация давомида ўзгарувчан пасайтирилган температура (харорат) ва узайтирилган ёруғлик куни шароитларида ғўзани мақсадга эришишга интилувчанлик билан етиштириш, ҳамда ғўзанинг тезпишарлиги, ҳосилдорлиги юқорилиги билан ажралиб турганларини танлаш Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг селекционер ходимларига янги селекция тизмаларини шакллантиришга ва улардан тезпишар ва ҳосилдорлиги юқори ғўза навларини етиштириб чиқаришга имкон берди [6, 7-бет].

Шу ишлар натижасида эришилган муваффақиятлардан бири бўлиб, 1960-йилларнинг охирида ишлаб чиқаришда вилтга чидамли бўлган янги “Тошкент” навлари гуруҳи қўлланила бошланди. Бу навлар бирламчи даврларда бир хил тузилишга эга бўлмаганлик билан ажралиб турар эди.

Шу даврда Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг С. С. Содиқов раҳбарлик қилаётган “Ўсимликларнинг наслдан наслга ўтишини бошқариш” (“Управление наследственностью растений”) лабораторияси учун янги яратилаётган ғўза навларига институт каталоги бўйича “АН-201” дан то “АН-300” гача бўлган рақамлар берилган эди [7].

С. С. Содиқов лабораторияси ходимлари томонидан “АН-201” дан то “АН-212” гача янги навлар яратилди. Институтнинг янги навлари бўлмиш АН-208, АН-209, АН-210, АН-211, АН-212, «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» ва бошқаларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва тадбиқ қилиш жараёнларида ғўза навлари популяцияларининг тузилишини шакллантириш муаммолари мавзулари аниқланди ва ривожлантирилди [6, 7-бет].

Бу навлар ичидаги “АН-209”, “АН-210”, “АН-211”, “АН-212” ўзларини яхши кўрсатган эди [6-8].

“АН-209” ва “АН-212” навлари юқори нав тозаллиги билан характерланган бўлиб, ўша даврларда катта майдонларга экиладиган 108-Ф навидан тупининг қуйи поғоналарида шохланиш характерига кўра етарлича аниқ сезиларли даражада турли сифатлилик билан

ажралиб турар эди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, “АН-209” ва “АН-212” янги навлар популяция таркибида маълум бўлган турли сифатлилиги билан бирга 108-Ф навига қараганда яшовчанлиги, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги ҳам юқори эди [6, 270-273-бетлар].

Иссиқсеварлигини пасайтириш ва узайтирилган ёруғлик куни шароитларига мослашувчанлигини ошириш йўли билан яратилган янги “АН-208”, “АН-209” ва “АН-212” навларининг стандарт 108-Ф навидан устунликлари Ўсимликлар навларини синаш тизимида, «Боёвут-1», «Боёвут-2» пахта совхозларида, Сирдарё вилоятидаги Максим Горький номидаги колхозда, Ўзбекистон фанлар академияси “Биолог” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Оққўрғон туманидаги экспериментал базасида ва бошқа хўжаликларда ишлаб чиқариш синовларида тасдиқланди [6, 274-275-бетлар].

Шулар қаторидаги “АН-209” нави кечпишар С-1225 навини популяцияларини пасайтирилган ҳарорат шароитларида ва иссиқсеварлиги камроқ тупларини танлаш орқали етиштириб яратилган. Бу нав бирламчи навидан тезпишарлиги бўйича 10-15, стандарт 108-Ф навидан эса 3-4 кунларга устун эди. Кўсақларини очилиши суръати (темп) эса С-1225 ва 108-Ф навларидан анча катта эди [6, 274-275-бетлар]. Худди шу услуб билан ўртакечпишар 108-Ф навидан яратилган янги “АН-212” нави бирламчи 108-Ф навидан 10-12 кун эрта етилар эди. Шу билан бирга “АН-209” ва “АН-212” навлари бирламчи навларнинг морфологик ва хўжалик учун қадрли белгиларини, жумладан, шакл, кўсақ ва барглари ўлчамлари, узунлиги, метрик рақами, тола чиқиши ва бошқалар, ўзларида сақлаб қолишди. С-1225 навидан худди шу усулда олинган «АН-208» навини солиштирма ўрганилганида худди шундай натижалар кузатилди [6, 275-бет]. «Боёвут-1», «Боёвут-2» пахтачилик совхозларида олиб борилган ишлаб чиқариш синовлари “АН-209” ва “АН-212” ғўза навларининг илдиз ва ер усти тизимлари стандарт 108-Ф нави тизимларига нисбатан бақувватроқ эканлигини кўрсатди. Ушбу хусусиятлари сабабли бу навларнинг бошланғич ривожланиш даврларида суғоришга бўлган талаблари камроқ ва органиано-минерал озиқларни (ўғитларни) фаолроқ ўзлаштирар эди [6, 275-бет].

“АН-209” нави Ўсимликлар навларини синаш тизими томонидан 1963 йилдан бошлаб кенгайтирилган миқёсда синаб келинган. Пахта хом-ашёси ҳосили бўйича 1963 йилда бу нав 108-Ф навидан 14 нав синаш участкаларидан 8 тасида, 1964 йилда 17 нав синаш участкасидан 8 тасида, 1965 йилда 17 нав синаш участкаларидан 16 тасида, 1966 йилда 18та нав синаш участкаларидан 13 тасида устун бўлган. Тола чиқиши бўйича эса худди ўша йиллари мос равишда 10, 13, 8 ва 9 нав синаш участкаларида устун бўлган. “АН-209” навини Навоий, Бухоро, Шахрисабз, Денов, Охунбобоев ва Чуст давлат нав синаш участкаларида 4 йил давомида синаш натижалари унинг 108-Ф навига нисбатан ҳосилдорлиги ва тола чиқиши бўйича очиқ устунлигини кўрсатди [6, 278-279-бетлар].

“АН-209” ва “АН-212” навларининг устунлигини кўрсатадиган худди шунга ўхшаш маълумотлар 1966 йилда ишлаб чиқариш тажрибаларида ҳам олинган. Масалан, «Боёвут-1» совхозининг «Республика 40 йиллиги» бўлимида 16,08га майдонга экилганида ўртача ғўза ҳосилдорлиги режада 29,2 ц/га белгиланган ҳолида 33,4 ц/га ни ташкил қилди. Шу жумладан, ёки хусусан, «АН-209» нави учун 33,1 ц/га, эртапишарлиги юқорирок бўлган “АН-212” нави учун эса 36,8 ц/га ни ташкил қилди. 1967 йили эса “АН-209” нави «Боёвут-1» совхозининг «Республика 40 йиллиги» бўлимида 621га майдонга, «Боёвут-2»

совхозининг №1 ва №4 бўлимларида эса 1532га майдонга, Ўзбекистон фанлар академияси “Биолог” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Оққўрғон туманидаги экспериментал базасида 53га майдонга ва бошқа хўжаликларда ҳаммаси бўлиб, тахминан 2300га майдонга экилган [6, 279-бет].

Ўсимликлар экспериментал биологияси институти ходимларининг маълумотларига кўра, “АН-209” ғўза навининг вилт касаллигига чидамлилиги 108 –Ф навига қараганда бир неча марта каттароқ. Ўсимликлар навларини синаш тизими маълумотларига кўра, навларни синаш Давлат комиссиясининг Избоскан энтомофитопатологик участкасининг сунъий равишда вертицеллёз вилти билан зарарлаштирилган қисмида “АН-209” ғўза навининг вилт билан захарланганлиги 1966 йилда стандарт 108–Ф навининг захарланганлигидан катта эмас [6, 279-бет].

Аммо, *Verticillium dahlia Kleb* замбуруғининг Ўзбекистон пахта хўжалиги майдонларида кенг тарқалиши ва концентрациясининг ошиб кетиши сабабли ушбу навларнинг кўпайтирилиши ва ишлаб чиқаришга тадбиқи бўйича ишларни давом эттириш тўхтатилган эди [6, 279- бет].

Навнинг яратилишидаги биринчи қадамлар ва режа. Шу даврга келиб, янги вилтга чидамли бўлган “Тошкент” навлари гуруҳини ишлаб чиқаришда қўлланилишида эришилган ютуқларни самарали давом эттириш жуда муҳим эди. Ўша даврда лабораторияда кичик илмий ходим лавозимида ишлаётган биология фанлари номзоди Хомутбек Ашурбеков ва кичик илмий ходим Собир Одилов олдига юқори сифатли ва юқори тола чиқишли, тезпишар, ҳосилдор навлар яратиш мақсади қўйилди. Ўз соҳалари бўйича бой илмий ва амалий тажрибага эга бўлган бу илмий ходимларнинг иккаласи ҳам Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Ўсимликларнинг наслдан наслга ўтишини бошқариш” (“Управление наследственностью растений”) лабораториясида фаолият олиб боришлари билан бирга Собир Одилов 1961 йилдан, Хомутбек Ашурбеков эса 1964 йилдан буён лабораториянинг Сирдарё вилоятининг “Боёвут-1” совхозида жойлашган тажриба участкасида ҳам лабораториянинг илмий-амалий тажрибалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган илмий изланишларини бажариш устида ишлашар эди. 1967 йилдан Хомутбек Ашурбеков ушбу тажриба участкасида лабораториянинг экспедиция гуруҳининг раҳбари ҳам эди. Ушбу мақсадга эришиш учун юқорида келтирилган “Тошкент” гуруҳи навлари популяциясидан алоҳида биотиплар ажратиб олиш, уларнинг гулларини ўз-ўзидан чанглатиш йўли билан тоза тизмалар яратиш, кейинчалик ўз-ўзидан чанглатилган ғўзаларни гибридлаш учун бошланғич шакллар ва тизмалараро материаллар олиш учун ишлатиш режалаштирилди [7, 10-13].

Бу ишларнинг бирламчи қадамлари сифатида [7, 11] да қуйидаги сатрлар келтирилган: “... 1968 йили кузида домламиз С. С. Содиқов “Тошкент-1”, “Тошкент-2”, “Тошкент-3” ғўза навларининг етакчи муаллифи Содиқ Мирахмедовдан шу йилги манбадан, яъни “Тошкент-1”, “Тошкент-2”, “Тошкент-3” ғўза навларининг чигитидан 3.0 кг дан Хомутбек Ашурбековга беринг” деб сўраган. Ўша вақтда мен Боёвутдан келиб, шу уруғларни Боёвутга олиб бориб 1969 йили “Боёвут-1” пахта совхозининг “Республика 40 йиллиги” бўлимидаги тажриба участкамизга ходимлар билан биргаликда экдим.”

Навнинг яратилиши жараёни. Лабораторияда ўша пайтда янги яратилган “АН-209” навидан “Л-1174”, “Л-1175”, “Л-1179”, “Л-1180”, “Л-1359” ва бошқа тизмаларни ажратиб олинган эди. Тажрибалар схемасида бу олинган тизмалар қуйидагича белгиланган: “АН-

209”/ “Л-1174”, “АН-209”/ “Л-1175”, “АН-209”/ “Л-1179”, “АН-209”/ “Л-1180”, “АН-209”/“Л-1359”. 1969 йилда Хомутбек Ашурбеков ва Собир Одилов “Боёвут-1” пахта-совхози шароитларида “Тошкент” навлари гуруҳи популяциясининг генетик тузилиши ва уларнинг гомеостазларини ўрганишни бошлашди. 1969 йилнинг охирида “Тошкент-1” навидан 7та, “Тошкент-2” навидан 6та, “Тошкент-3” навидан 6та морфо-биологик ва хўжалик учун қимматли белгилари турли бўлган тизмалар ёки биотиплар ажратиб олишди [10,11]. Кейинги йилларда улар бу тизмаларни ками-кўстини тўғрилаш ва шу билан бир вақтда тизмалараро чатиштириш ишларини олиб боришди. Бунинг натижасида “Л-1179”, “Л-1180”, “Л-1359” тизмаларга ўхшаш бўлган морфологик белгилари билан фарқ қиладиган тизмаларни “Тошкент-1” ва “Тошкент-2”, “Тошкент-3” навларидан ҳам ажратиб олишди ва биотипларга бўлишди. Бу тизмалар кейинчалик тизмалараро гибридлаш учун ишлатилди. Масалан, тажрибалар схемасида “Тошкент-1” навидан олинган тизмалар қуйидагича белгиланди: “Л-1179-Т-1”, “Л-1180-Т-1”, “Л-1359-Т-1” ва ҳоказо. Кейин эса уларни “АН-209” навидан олинган тизмалар билан чатиштиришди. Яъни “АН-209”/“Л-1179”, “АН-209”/“Л-1180”, “АН-209”/“Л-1359” ларни “Л-1179-Т-1”, “Л-1180-Т-1”, “Л-1359-Т-1” билан чатиштиришди. Бу ўтказилган тажрибаларни қуйидагича белгиланди: “АН-209” /“Л-1179” * “Л-1179-Т-1”, “АН-209” /“Л-1180” * “Л-1180-Т-1”, “АН-209”/“Л-1359” * “Л-1359-Т-1”.

“АН-209” навидан яқка танлов йўли билан олинган тизма “АН-209”/“Л-1179” билан “Тошкент-1” навидан олинган “Л-1179-Т-1” тизмаларни қайтарма чатиштириш натижасида олинган “АН-209” /“Л-1179” * “Л-1179-Т-1” тизмалар ўз хусусиятларини йўқотмаган ҳолда ота-оналаридан ўртача устунлигини кўрсатди. Ота-оналари тўғри танлангандагина дурагайлар ташқи кўринишидан бир хил, генетик жиҳатдан ҳар хил бўлиб, ўз хусусиятини сақлаб қолди. Кейинги йилларда бу икки олим яратилган тизмаларни ривожлантириш билан шуғулланишда давом этишди. Юқорида келтирилганларидан ташқари, бу икки олим томонидан тизмалараро чатиштиришларни амалга оширилганидан кейин “Л-2563”, “Л-2573”, “Л-2586”, “Л-2944”, “Л- 2948”, “Л - 2962” ва бошқа тизмалар ажратиб олинди ва 1976 йилга қадар ками-кўстини тўғрилаб доимий (констант) шакл даражасига етказилди [10-12]. Бунинг натижасида истиқболли тизмалар орасидан энг яхши натижага эга бўлган тизма “Л-2948” ажратиб олинди. 1974 йилда бу тизма “АН-214” деб юритиладиган бўлди. 1976 йилда совхоз директори С. Атаханов ва бошқа раҳбарлар “Сизлар бу навни Боёвутда экдинглар, бу янги навни “АН-Боёвут” деб атадинглар” деб таклиф қилишганларидан кейин Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ходимлари бу навни “АН-Боёвут” деб аташга рози бўлишди [7]. Шундай қилиб, юқорида келтирилган тизмалардан “АН-Боёвут-1” ва “АН-Боёвут-2” ғўза навлари ажратиб олинди. Ўсимликларнинг экспериментал биология институти раҳбарияти “АН-Боёвут-2” ғўза нави 1978 йилда яратилган деб таъкидлаган [14]. “АН-Боёвут-1” ғўза нави 1977 йилда, “АН-Боёвут-2” ғўза нави эса 1979 йилда Қишлоқ хўжалик экинларининг навини синайдиган Давлат комиссиясига топширилди. Тадқиқотларнинг бошқа тафсилотлари, улардан олинган натижалар бутун тафсилотлари билан муаллифлар томонидан ёзилган адабиётлар ва манбаларда келтирилган [9-19].

Навни минтақалаштириш учун нав синаш шахобчаларига топширилиши. 1976 йили Давлат нав синаш шахобчаларига бу нав “АН-214” номи билан топширилган эди. Бу

хол институтнинг 1975 йилнинг 3 декабрида бўлиб ўтган Илмий Кенгаши мажлиси қабул қилган қарорнинг 1- бандида акс этган (баённома №22). Илмий Кенгашнинг шу мажлисининг қабул қилган қарорнинг 2- бандида эса навнинг авторлик ҳиссалари С.С. Содиқовга 40%, Х.Ашурбековга 30%, С. Одиловга 30% қилиб тақсимланган эканлиги акс эттирилган. Бу мажлис қарорининг иккала бандлари Илмий Кенгаш мажлисининг 22 - баённомаси қилиб ҳужжатлаштирилган.

Шу даврда бу ғўза нави чигитини кўпайтириб, Боёвут-1 совхозининг 8- бўлимининг ҳамма экин майдонига экилган. Бундан ташқари Турғун Ахмедов номидаги 9-А совхознинг 20 гектар майдонига ҳам экилган.

Воқеалар шундай давом этдики, биология фанлари номзоди бўлганилигига 7 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай Хомутбек Ашурбековни унинг илмий раҳбари ва лаборатория мудири С. С. Содиқов катта илмий ходим лавозимига ўтказмади. Оилавий шароитини яхшилашга бўлган зарурат ва ишлаб чиқаришда малакали ва тажрибали мутахассисларга бўлган талаб шуни тақозо этдики, Х. Ашурбеков 1975 йилда Сирдарё вилоятининг Турғун Ахмедов номидаги 9-А совхозига бош агроном лавозимига ишга ўтиб кетди. Собир Одилов эса биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажараётган илмий иши бўйича диссертациясини ҳимоя қила олмади. Шу ва бошқа сабабларга кўра Собир Одилов 1976 йилнинг ноябрь ойида ишдан бўшаб кетди. Шу вақтда С. С. Содиқов ўша даврда Луб толали экинлари станциясида катта илмий ходим лавозимида ишлаётган Соли Султановни чақириб олиб: “Сизни лабораторияга катта илмий ходим қилиб ишга оламан. Х. Ашурбеков ва Собир Одиловлар ўзларининг яратган янги навини ташлаб кетишди. Шу ишни давом эттирасиз. Мен Сизни шу нав муаллифлигига кўшаман”, - деган [7]. Шундай қилиб, бу даврга келиб яратиб бўлинган “АН-Боёвут-2” навини районлаштиришга топширишгача бўлган 1977 ва 1978 йилларда бажарилиши лозим бўлган агротехнология ишларининг қолган қисмларини Соли Султанов давом эттирган. Агротехнология ишларини бажариш билан бирга у ғўза гулларининг гетеростилиясини ўрганиш бўйича илмий иш олиб борган ва бу ишини 1996 йилда чоп этилган китобида [2] “АН-Боёвут-2” навини яратишга кўшган ҳиссаси сифатида талқин этишга ҳаракат қилган.

Навнинг минтақалаштирилиши. Шундай қилиб, Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий ходимлари томонидан энг яхши тизмаларни вилтга чидамли бўлган «Тошкент-1», «Тошкент-2» ва «Тошкент-3» навларининг мос тизмалари билан синчковлик билан танлаш ва гибридлаш натижасида вилт билан кучли захарланган майдонларда олимлар томонидан вилтга чидамли янги истиқболли тизмалар яратилди. Бу тизмалардан олинган “АН-Боёвут-2” нави стандарт нав «Тошкент-1» билан нав синашдан муваффақиятли ўтди.

“АН-Боёвут-2” нави экинларни синаш Давлат Ҳайъатининг 1983 йил 31 март куни қарори билан Сирдарё вилоятига минтақалаштирилган ва шу йилдан давлат реестрига киритилган. Нав муаллифларига 1983 йилнинг 30 мартдаги аризага кўра ССР Иттифоқи Қишлоқ хўжалик вазирлиги “АН-Боёвут-2” навига № 3743 рақамли Муаллифлик гувоҳномаси берилган [4]. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат Қўмитаси қошидаги Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш агентлиги томонидан муаллифларга 1979 йилдан кучда бўлган селекция ютуқлари муаллифи эканликларини тасдиқлайдиган Селекционерлик гувоҳномаси берилган. Бу ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқлари реестрида 1999 йилнинг 20 августида рўйхатга олинган.

Мақола материаллари бўйича изоҳлар ва мурожаат

Мақола материаллари бўйича изоҳлар: 1. Муаллифлар “АН-Боёвут-2” ғўза навидан 1981 - 2021 йилларни ўз ичига олган 40 йилдан ортиқ муддат давомидаги ҳар бир йил учун олинган ҳосил ҳақидаги аниқ маълумотларни топа олишмаганлиги сабабли ушбу мақолада кўрсаткич сифатида экин майдони катталигидан фойдаланилган. 2. Муаллифлар “АН-Боёвут-2” ғўза навидан 2017-йил учун экин майдони ва олинган ҳосил ҳақида маълумотларни мақолани чоп этишга топширишга қадар топа олишмаганлиги сабабли ушбу мақолада 2017- йилга тегишли маълумотлардан фойдаланилмаган.

Мурожаат. Ушбу мақола муаллифлари “АН-Боёвут-2” ғўза навига, навнинг кишлоқ хўжалиги ва пахта ҳом-ашёси ишлаб чиқариш соҳасидаги ўрни, бу соҳага қўшган ҳиссаси, навни яратиш жараёнларида қўлланилган илмий-услуглар ва навнинг яратилиши тарихига оид илмий-амалий материаллари, 40 йилдан ортиқ давр давомида мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бу навни яратган муаллифларнинг нав яратилишидаги ўрни ва қўшган ҳиссалари, ва бу муаллифлар қандай тақдирланганликлари ҳақида материаллари бор ташкилот ва инсонлардан ўша материаллардан вақтинча фойдаланишга имкон беришларини илтимос қилишади. Бу ташкилотлар ва инсонларнинг ёрдами билан олинган маълумотлар ва тафсилотлар “АН-Боёвут-2” ғўза нави ҳақидаги илмий-амалий материалларни ва ахборотни бойитиш имконини берган бўлар эди. Бундан ташқари бу навни яратган муаллифларнинг нав яратилишидаги ўрни ва қўшган ҳиссалари, ва бу муаллифлар ўз фаолиятлари самарали натижалари учун қандай тақдирланганликлари ҳақидаги материаллар ўз ҳаётини илмий изланишлар олиб боришга бағишлаш орзу нияти бор ёш мутахассисларни тўғри йўл танлашига йўналтирувчи ахборот бўлиб ҳам ҳизмат қилган бўлар эди.

Хулоса

Шундай қилиб, ушбу мақолада 1968-1983 йилларда Ўзбекистон фанлар академияси “Биолог” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораторияси илмий ходимларининг Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Боёвут совхоз-техникумининг ўртача шўрланган тузли ер шароитида илмий ишлари муваффақиятли натижа билан яқунланлиги ва ўша давр учун истиқболли ҳосилдор, эрта пишар ва вертицеллёз вилт касаллигига нисбатан толерантлик хусусиятига эга бўлган “АН-Боёвут-2” ғўза навининг яратилиши тарихи қисқа ёритилди. Муаллифлар бу мақолада келтирилган материаллар мос ўқув дарсликлари ва илмий ишлар материалларини узлуксиз ёки даврий равишда янгилаб, ривожлантириб боришда фойдали бўлади деб умид қиладилар.

REFERENCES

1. Иксанов М.И. Каталог сортов хлопчатника. Ташкент. РЦНТИ “Узинформагрупп”. 1983. - 132с.
2. С. Султонов. Ғўза навларининг ҳосилдорлигини оширишда уруғчиликни илмий асослари (АН-Боёвут-2 ғўза нави мисолида). Тошкент. 1996. – 96 бет.
3. Ш.Тешаев, Б. Холиқов, Ш.Намазов, Қ. Мирзажонов, А.Авлиёкулов, Н. Ибрагимов, Ф. Тешаев, Ш.Т. Хўжаев, Ш. Абдуалимов, Б. Ниязалиев, Ж.Ахмедов, Г. А. Безбородов, Ж. Шадманов, Б. Тиллабеков, Ф. Хасанова, А.У. Саъдуллаев, Х. Махсадов, С. Уралов, А. Нуриддинов, М. Хасанов, А. Иминов, Д. Мавлянов, М. Мамасалиев. Жиззах вилоятида экилаётган ғўза навларини етиштириш агротехнологияси. ПСУЕАИТИ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Тошкент. 2017. ПСУЕАИТИ. 39бет.
4. Официальный бюллетень Государственного комитета СССР по делам изобретений и открытий. Всесоюзный научно-исследовательский институт патентной информации. Москва. 1988. №4, стр. -270.
5. Р. Х. Ашурбеков, Д. Э. Эшмурадов. “АН-Боёвут-2” ғўза навининг пахта етиштиришдаги ўрни. “Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги кўп тармоқли, халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2022 йил 30 ноябрь. Тошкент. - 739-747 бетлар.
6. С. С. Садыков. Повышение скороспелости и урожайности хлопчатника. Ташкент. Фан. 1972. – 224 стр.
7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва Ўсимликлар Экспериментал биологияси Институтининг директори А. А. Абдукаримов номига Х. Ашурбеков ва С. Одиловлар томонидан 2002-2003 йилларда “АН-Боёвут-2” ғўза навининг келиб чиқиши ва яратилиши тарихи ва муаллифлар ҳақида юзага келган саволлар бўйича ёзилган кўлҳизма шаклидаги ва терилган “Ташунтириш хати”.
8. С. С. Садыков, С. Одилов. Влияние условий почвенного питания на формирование популяции селекционных сортов хлопчатника. Генетическое исследование хлопчатника. Материалы Первого генетического совещания по хлопчатнику. 9-13 сентября 1968г. Ташкент. Фан. 1971. - стр. 157-170.
9. С. Одилов. Формирование селекционных линий, выделенных из популяции сортов хлопчатника. В книге “Генетика и селекция хлопчатника.” ИЭБР. Узбекское отделение ВОГиС имени Н. И. Вавилова. АН УзССР. Ташкент. “Фан”. – 1976. стр. 127-133.
10. Письмо Ашурбекова Х. от 18.III-1978года Председателю Государственной комиссии по сортоиспытанию сельскохозяйственных культур МСХ СССР тов. М. А. Федину.
11. Письмо Ашурбекова Х. директору Института экспериментальной биологии растений АН УзССР Д. А. Мусаеву от 1 февраля 1983г.
12. Письмо Ашурбекова Х. и Одилова С. секретарю первичной партийной организации Института экспериментальной биологии растений АН УзССР тов. Р. А. Азимову от 9 февраля 1983г.
13. Письмо Ашурбекова Х. кандидату в члены Политбюро ЦК КПСС, первому секретарю ЦК Компартии Узбекистана тов. Рашидову Ш. Р., написанное в марте 1983г.

14. Ответное письмо и.о. Президента АН УзССР К.И. Лапкина от 19 апреля 1983 года под № 15/1851-111 на письмо Х. Ашурбекова.
15. С. С. Садыков, Х. Ашурбеков. Метод межлинейной гибридизации хлопчатника. В книге “Генетика и селекция хлопчатника.” Институт экспериментальной биологии растений. Узбекское отделение ВОГиС имени Н.И. Вавилова. АН УзССР. Ташкент. “Фан”. – 1976. - стр. 121-127.
16. Х. Ашурбеков. Анализ межлинейных гибридов хлопчатника по хозяйственно-ценным признакам. Труды ВНИИСХ им. Г.С. Зайцева “Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника и люцерны”. Выпуск 18. Управление пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта. МСХ Узбекской ССР. Ташкент. 1980. - стр. 77-83.
17. С. Одилов. К вопросу формирования биологических и хозяйственных признаков у популяции сортов хлопчатника. Сборник научных трудов ВНИИСХ им. Г.С. Зайцева “Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника и люцерны”. Управление пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта. МСХ Узбекской ССР. Выпуск 18. Ташкент. 1980. - стр. 101-106.
18. Х. Ашурбеков. Влияние различных приёмов переопыления цветков в пределах популяции у сортов хлопчатника на некоторые их свойства и признаки. В книге “Генетика хлопчатника”. Институт экспериментальной биологии растений. АН Узбекской ССР. Ташкент. Фан. 1972. - стр. 52-58.
19. С. Одилов Фенотипический анализ генетической структуры популяции сортов хлопчатника. В книге “Генетика хлопчатника”. Институт экспериментальной биологии растений. АН Узбекской ССР. Ташкент. Фан. 1972. - стр. 58-65.